Куч — адолатда

АДОЛАТ

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

2003 ЙИЛ 28 ФЕВРАЛЬ

8 (399)

ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда эркин нархда

«ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА

«Обод маҳалла йили» давлат дастурида белгиланган ишларни ҳаётга татбиқ этиш бошланди.

Мазкур дастур кенг қамровли бўлиб, унинг яна бир жиҳати маҳаллаларимиздаги оилалар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этишни кўзда тутади. Бугунги кунда республикамизда маҳаллаларнинг ободлигига эришишгина эмас, балки болалар спортини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо, болалар спортини ривожлантириш учун ҳар қанча шароит яратилмасин, энг аввало ота-оналар бу ҳаракатлар моҳиятини тушунишлари, болаларни спортга қизиқтиришлари лозим бўлади, акс ҳолда қилинаётган ишлар самараси кутилганидай бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун аввало болаларнинг ўзини спортга қизиқтириш зарур. Шу мақсадда Республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан «Соғлом оила» танловининг низоми ишлаб чиқилди.

– Бунинг ҳамма учун маъқул томони шундаки, ҳозирга қадар ҳам низомга қўшимчалар киритиш ва такомиллаштириш борасида таклиф мулоҳазалар келиб тушмоқда, – деди жамғарма раиси Аъзамжон Гадойбоев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Танловнинг низомини яратиш учун кўпчиликнинг фикридан фойдаландик. Ҳозирда жойларда бу тадбир бошлаб юборилган. Фарғона водийси вилоятларида, хусусан Андижонда мусобақалар ўтказилаяпти.

Маҳаллаларда оила спортини ривожлантириш ўз ўрнида шу маҳаллада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни тақозо этади. Зеро, тадбиркори кўп маҳалла обод ва бой бўлади. Пойтахтимиздаги «Ўриксор» маҳалласида олиб борилаётган ишлар бунга яққол мисол. Маҳаллада 20 га яқин тадбиркорлик нуқталари фаолият юритмоқда. Биргина «Офис маркет»нинг ўзи маҳалладаги 20 дан ортиқ кишини иш билан таъминлаган. Тадбикорлик ҳомийлигида ташкил этилган спорт мажмуида турли ёшдагилар спорт билан шуғулланишмоқда.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 121-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериб келаётган Ирода Ҳамидованинг ҳаётида 2002 йил ёрқин из қолдирди. У республика миқёсидаги «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб, фахрли биринчи ўринни олди. 2003 йил 17 январь куни Халқ таълими вазирининг буйруғига асосан унга «Халқ таълими аълочиси» унвони берилди. Ирода Ҳамидова ўз билимини ошириш мақсадида айни пайтда Низомий номидаги педагогика университетида сиртдан таҳсил ҳам олмоқда.

СУРАТДА: Ирода Ҳамидова.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

БМТ комиссиясининг Ироқни қуролсизлантириш бўйича раҳбари Ханс Бликс Богдодга «Ал-Самут 2» русумидаги барча ракеталарни йўқотиш бўйича хат йўллади.

Суюқ ёнилғида ишлайдиган мазкур ракеталарнинг ҳаракат радиуси БМТ хавфсизлик кенгаши резолюциясида белгиланган 150 километр масофадан ошади.

Бликснинг мактубида таъкидланишича барча ракеталар 1-мартгача йўқотилиши зарур. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасидан олинган маълумотга кўра, БМТ бош котиби Кофи Аннан Х. Бликснинг талабини қўллаб-қувватлади.

* * *

Россияда тиббиёт, таълим ва маданият соҳаси ходимлари касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган уч кунлик норозилик тадбири бошланди.

Олинган маълумотларга кўра, бюджетдан маблағ оладиган ушбу ходимлар ойлигини ҳукумат режалаштираётган 25-30 фоиз эмас, балки 1,5-2 баравар кўтаришни талаб этишмоқда. Тадбир ташкилотчилари мамлакатнинг қарийб 70 та минтақасида намойишлар, митинглар ва йиғилишлар ўтказишни режалаштирмоқда.

* * *

Шимолий Корея раҳбарияти мамлакат аҳолиси ҳамда ҳарбийларни АҚШ томонидан кутилаётган урушга шай туришга чақирди.

Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги бу ҳақда махсус баёнот билан чиқди. Унда барча ресурслар ҳар қандай вазиятда юз бериши мумкин бўлган тажовузга қарши шай туриши ҳақида айтилади. Инчунин март ойида Қўшма Штатларнинг Корея ярим ороли жанубида ўтказадиган йирик ҳарбий ўқув машғулотлари расмий Пхеньяннинг шундай йўл тутишига мажбур этган.

Куни кеча Шимолий Корея Япон денгизида «Ер-денгиз» русумли баллистик ракетасини учирди. Сўнгги вақтларда Пхеньяннинг ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартномадан чиқиши халқаро ҳамжамиятни ҳавотирга солмоқда.

* * *

Таиландда гиёҳвандликка қарши кураш борасида ўтказилаётган кенг миқёсли амалиётларнинг 24 куни мобайнида 993 киши ўлди.

Шулардан 22 нафари полиция хизматчилари бўлиб, улар гиёҳвандлик олами жиноятчилари билан юз берган тўқнашувларда ҳалок бўлган. Бундан ташқари, жиноий гуруҳларнинг ўзаро келишмовчиликлари ва тўда бошлиқларининг гувоҳларни камайтириш борасидаги ҳаракатлари боис ҳалок бўлганлар ҳам анчани ташкил этади.

Метамфетамин хабдориси ишлаб чиқаришда жаҳонда етакчи ҳисобланган Таиланд давлатининг 3 миллиондан ортиқ аҳолиси ёки жами аҳолининг 5 фоизи мазкур гиёҳванд таблеткани истеъмол қилади. Яширин цехларда тайёрланадиган бундай таблеткалар хорижга ҳам чиқарилади.

* * *

Нобел мукофоти қўмитаси вакиллари бу йилги номзодлар рўйхатини эълон қилди.

Шу кунга қадар 129 нафар кишининг ва 21 та ташкилотнинг номзоди рўйхатга олинган. Бу йил тинчлик соҳасидаги хизматлари учун Нобел мукофоти номзодлари орасида БМТ инспекторлари етакчиси Ханк Бликс ва атом энергетикаси бўйича халқаро ташкилот (МАГАТЭ) бошлиғи Муҳаммад ал-Барадейларнинг номлари ҳам зикр этилган. Ироқ масаласи тинч йўл билан ҳал этилган тақдирда улар Нобел мукофотини олишлари мумкин. Тинчлик соҳасидаги Нобел мукофотига номзодлар орасида шунингдек битта қарор билан 150 маҳбусни ўлим жазосидан авф этган Иллинойс (АҚШ) штатининг собиқ губернатори Жорж Райан, Африкада очарчиликка қарши курашаётган Ирландиялик рок хонандаси Боно ва Рим папаси Иоан Павел II ҳам бор.

Партия ва ҳаёт

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мустақиллик меваси бўлган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси чинакам халқ иродаси, ватан равнақига бел боғлаган сиёсий кучдир. Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик, одил фуқаролик жамияти қуришдек олийжаноб ишларга ҳисса қўшиш партиямизнинг асосий мақсадларидан бирига айланган. Бу йўлда партиямиз буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг «Куч – адолатдадир» деган шиорини байроқ қилиб, адолат тамойиллари асосида иш олиб бормоқда.

Яқинда партиямиз ташкил этилганлигининг саккиз йиллигини нишонладик. Бу шодиёнанинг умумхалқ байрамимиз – Наврўзга зўр тайёргарлик кўрилаётган шу қувончли кунларда рўй бергани дилларимизни тўлқинлантирди. Ахир Наврўз боис янгиланиш, яшнатиш, ёшариш рўй беради. Табиат ўзгача латофат ва жозиба кашф этади. Унинг шарофати ила кўнгиллардан гинаадоват кўтарилиб одамлар бир-бирларига янада яқинлашадилар, аҳил-иноқ бўладилар. Ўзларининг байрам қувончларини биргаликда баҳам кўрадилар. Ҳамжиҳатлик, аҳил-иноқлик, гўзаллик ва латофат байрами бўлмиш Наврўзни ўзига хос тарзда нишонлаш учун айни пайтда вилоят партия ташкилотимиз ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шу муносабат билан ишлаб чиқилган тадбирлар асосида жойларда байрамни ўзига хос тарзда ўтказиш чоралари кўрилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда ўзгаришлар жараёни қизғин кечмоқда. Мана, мустақиллигимиз шарофати ила ўн йилдирки Бирлашган миллатлар ташкилоти қароргоҳида Ўзбекистоннинг байроғи хилпираб турибди. Зеро, мустақиллигимизнинг ўтган ўн бир йили давомида мамлакатимизда демократиянинг оёққа туришида катта ишлар қилинди, яъни, унинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Ана шу ҳуқуқий пойдеворнинг асоси бўлган янги Конституциямиз дунёдаги кўплаб ҳуқуқшуносларнинг, сиёсатчилар томонидан энг демократик Конституция деб тан олинди. Шунга монанд юртимизда эркин ва тинч осойишта ҳаёт ҳукм сурмоқда. Зукко бунёдкор халқимиз Юртбошимиз бошчилигида асрларга татигулик ишларни амалга оширмоқда. Бу эса шубҳасиз бахтиёр замондошларимизнинг ўз мақсадлари сари қилаётган дадил ҳаракатларида, интилишларида, изланишларида намоён бўлаяпти.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари»га қаратилган маърузасида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳолати ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниб, ҳозирги пайтда демократик фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилди. Жамият ҳаётини демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиб Юртбошимиз шуни алоҳида уқтириб ўтди:

«Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади, керак бўлса ўзининг мустақил овозига эга бўлди десак ҳеч муболаға бўлмайди. Биз шуни унутмаслигимиз керакки, бундай эътироф, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ортиб бораётган нуфузи – аввалambор мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ўтказиб келинаётган ҳар томонлама чуқур ўрганилган оғир вазмин, қатъий ва мустақил ташқи сиёсатнинг натижасидир». Зеро, бу ҳаётий ҳақиқат ҳамдир.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида таъкидланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва эркин фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари борасида ўз фаолиятимизни фаоллаштиришимиз лозим. Партиямиз Дастурида белгилаб қўйилганидек, «Адолат» социал-демократик партиясининг бош мақсади – мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ислоҳотларни боришига, ҳуқуқий демократик, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва пировардида Ўзбекистоннинг жаҳонда ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишига муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир. Партиямизнинг жанговар ташкилотларидан бири ҳисобланган вилоят партия Кенгашимиз ва унинг жойлардаги партия ташкилотлари кенг омма орасида давлатимиз ва шахсан Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни кенг тарғиб қилиб, халқимизга етказишда камарбаста бўлмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида вилоят партия ташкилотимиз томонидан муҳим ишлар олиб борилди. Дастлабки пайтда партияни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, сафларимизни кенгайтиришга катта эътибор берилган бўлса, ҳозир партияни сифат жиҳатидан ўстириш, партия аъзоларини ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан кучайтириш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, халқнинг дарди билан яшаб, унинг кўмакчиси, ҳимоячиси бўлишга интилиш каби вазифаларга асосий эътиборни қаратаяпмиз. Бу ишларни амалга оширишда қуйи партия ташкилотларининг мададига таянаяпмиз. Ўз ғояларимизни улар орқали тарғиб қилиб, фаолиятимизни йўлга қўяяпмиз. Бу борада Ангрен, Бекобод, Янгийўл шаҳар, Бўка, Қибрай, Янгийўл туманлари партия Кенгашлари билан узвий алоқада бўлиб иш олиб борилмоқда. Жойлардаги фаолларимиз халқ орасига чуқурроқ кириб бориб кўплаб оммавий тадбирларни ўтказмоқдалар. Сафларимизни сон ва сифат жиҳатидан ўсишига ёрдам беришмоқда. Жумладан, партия Сиёсий Кенгаши аъзоси, Бекобод шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Гулзира Шарипова, Янгийўл шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Аваз Қосимов, Янгийўл туман партия Кенгашининг биринчи котиби Минавара Камолова сингари етакчиларимизнинг самарали фаолияти, тажрибаси кўпчилик учун бугун ибратлидир.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг VIII Пленуми қарорлари асосида ўз ишимизни пухта ташкил этиб жойларда партия ташкилотларининг фаоллигини оширишга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Чунки бугун зиммамизда муҳим вазифалар турибди. Уларни изчил амалга оширишга ҳар биримиз масъулмиз. Зеро, давр талаби, ҳаёт тақозоси ҳам шу.

Турғун ИРГАШЕВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилоят Кенгашининг биринчи котиби.

«Ташаббус – 2003»

МУНОСИБЛАР САРАЛАНДИ

Вилоятимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик муттасил ривожланиб, унда қатнашаётган ишбилармонлар сафи кенгайиб бормоқда. Натижада янги мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб бериляпти. Бундан мақсад у келажакда ривожланган мамлакатлардаги каби иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғига айланишига эришишдир. Шу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзининг салмоқли самараларини бермоқда. Ўтган хўжалик йилининг бу соҳадаги якунлари ҳам шундан далолат бериб турибди.

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмаларининг Тошкент вилояти иқтисодиётидаги мавқеи сезиларли даражада мустаҳкамланди. Бир йилда уларнинг сони деярли 3 мингтага кўпайди. 29 минг 702 та ишчи ўринлари барпо этилди. Бу билан ишсизлик каби кескин муаммонинг ҳал қилинишига салмоқли ҳисса қўшилди. Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 36 фоизи шундай тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келмоқда. Иқтисодиётнинг бу тармоғини тараққий эттиришга банклар томонидан берилаётган кредитлар ҳам катта ёрдам беряпти. Ўтган йили бундай сармояларнинг жами ҳажми 13 миллиард сўмни ташкил этди. Сал кам 6,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағларидан ҳам фойдаланилди.

Куни кеча Тошкент вилояти ҳокимининг соврини учун уюштирилган «Ташаббус – 2003» кўрик-танловида ана шу салмоқли рақамлар тилга олинди. Бу гал у Чирчиқда бўлиб ўтди. Кўрик-танловни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев очди. Шундан кейин тадбир иштирокчилари бўлган тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳаҳъат томонидан тайёрланган билетлардаги иккитадан саволга жавоб бериб, назарий билимларини ҳам намойиш этдилар. Ҳакамлар ҳаҳъати тадбиркорлик йўналиши бўйича Чирчиқдаги «Латофат» хусусий фирмаси раҳбари Виктор Цойга юқори баҳо қўйди ва уни биринчи ўринга лойиқ деб топди. Ўрта Чирчиқ туманидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Саид–Овул» фермер хўжалиги раҳбари Маматқул Саломов «Энг яхши фермер» номини олишга муяссар бўлди. Ҳунармандлар ичида Ўрта Чирчиқ тумани вакили – зардўзлик билан шуғулланиб келаётган Башорат Нуруллаева ҳунармандчилик йўналиши бўйича касбдошларига нисбатан кўп балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади.

Кўрик-танловда анъанага мувофиқ таъсис этилган «Энг яхши тадбиркор», «Энг интизомли солиқ тўловчи» ва «Энг яхши тадбиркор аёл» номлари ҳам берилди. Бундай номларга зангиоталик ёш тадбиркор Ғайрат Раҳматуллаев, Тошкент туманидан «Аср-Фаррух» доривор ишлаб чиқарувчи хусусий корхона раҳбари Тошпўлат Одилов, Юқори Чирчиқ туманидан «Салада» хусусий фирмаси соҳибаси Назифа Аширматовалар сазовор бўлишди.

Кўрик-танловда ғолиб чиққан тадбиркор, фермер ва ҳунармандларимиз республика бўйича ўтказиладиган «Ташаббус – 2003» кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

СУРАТДА: Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев ўртачирчиқлик зардўз Башорат Нуруллаевани танлов ғолиби бўлганлиги билан табрикламоқда.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

Республика таълим марказида «Ёшлар ютуқлари» нодавлат нотижорат ташкилотининг Ўзбекистонда иқтисодий таълимни ривожлантириш бўйича дастурлари ва ўқув услубий адабиётлар тақдимоти ўтказилди.

«Ёшлар ютуқлари» нодавлат нотижорат ташкилоти Американинг Junior Achievement International компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ҳисобланади. Мазкур ташкилотнинг кўплаб мамлакатларда олиб борадиган фаолияти иқтисодий таълимни ривожлантириш ва замонавий ўқитиш усулларини тарғиб этишга қаратилган. Ёшлар ютуқлари Ўзбекистонда 1996 йилдан фаолият бошлаган бўлиб, ўтказилган тадбир ўтган етти йиллик фаолият тақдимотига бағишланди.

Ҳамкорлик даври мобайнида ташкилот томонидан дунёнинг 112 мамлакатида фойдаланилаётган иқтисодий таълим дастурлари Ўзбекистонда ҳам қўлланила бошланди. Шунингдек ташкилот ташаббуси билан амалий иқтисодиёт дарслиги ва машқлар тўплами ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Ташкилотнинг бу хилдаги дастурлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида муваффақият қозонган.

Мутахассисларнинг эътирофича ўтказилган қатор тренинглар ушбу дастурнинг мамлакатимизда ҳам самарали натижа бераётганини кўрсатмоқда. Ташкилот томонидан нашр этилган «Экономикс» дарслиги яқинда республика таълим маркази мутахассислари томонидан ўзбек тилидаги иловаси яратилди. Тадбирда мазур илова тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИ

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни асло унутмаслигимиз лозим: фақат мунтазам изланиш, биринчи навбатда ўзимизга, сўнгра эса бошқаларга нисбатан доимий талабчан бўлишигина бизни ривожланган илғор мамлакатлар даражасига олиб чиқади.

Ислом КАРИМОВ.

Мунтазам изланиш, талабчанлик – муваффақиятларимиз гарови

Маълумки шу йил 17 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтган эди.

Ушбу мажлисда сўзга чиққан Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузаси республика меҳнаткашлари қалбида чуқур таассурот қолдирди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек ислоҳотларни янада эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўсишини таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди.

Шу сабабли ҳам 2002 йил мобайнида икки мингга яқин давлат корхонаси ва объектлари мулк шаклини ўзгартирди. Давлатга қарашли корхона ва объектларнинг каттагина қисми – 1 минг 260 таси тўлиқ хусусий мулкка йўналтирилди. Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик етакчи рол ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиётнинг жадал шаклланаётгани туфайли ўтган йили 38 мингга яқин микрофирма, кичик ва ўрта корхона тузилиб, уларнинг умумий сони 240 мингтага етди.

Ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот 4,2 фоизга ортди, саноат маҳсулотлари – 8,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – 6,1 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 11,8 фоизга кўпайди. Бошоқли дон етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткичга эришилди – 5 миллион 400 минг тонналик хирмон бунёд этилди.

Ана шу муваффақиятларнинг замирида мустақиллик шарофати ила бунёдкорликни ўзида мужассамлаштирган фидойи инсонларнинг фидокорона меҳнати ётибди. Улар гўзал диёримизни янада обод ва тўкин юртга айлантириш учун ўз жойларида астойдил ишламоқдалар.

Мазкур саҳифада шу ҳакда хикоя қилинади.

ЮКСАК ШАРАФ

Иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги стратегияси мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилмоқда. Зеро, бунинг тагида катта мақсад, теран маъно бор. Юртбошимиз эътироф этганларидек «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам». Шундай экан, юртни гуллаб-яшнатиш, Ватан бойлигига бойлик қўшиш, ютуқларни бойитиш ҳар биримизнинг юксак инсоний бурчимиздир.

Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати. Аммо бу имкониятни юзага чиқара билишлик ишни кўзини билиб, оқилона, зарбдочасига меҳнат қилишимизга боғлиқ. Бугун кўпчиликнинг тилидан ва дилидан тушмаётган ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 февралда ўтказган мажлисида ҳам ўзига хос ифодасини топди. Мажлисда маъруза қилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида эътироф этар эканлар, муҳим ҳаётий вазифалар қатори яна бир масалага кўпчиликнинг эътиборини қаратди. Ички бозорни сифатли, аввало мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириш қониқарсиз таъминланаётганини қайд этиб, улгуржи ва чакана савдо тизими суст ташкил этилгани, товарларнинг республика бозорига ноқонуний контрабанда йўли билан кириб келиш ҳолларига тўла барҳам берилмаганлигини қаттиқ танқид қилди. «Бизнинг мақсадимиз биринчи навбатда мамлакатимизга усти ялтироқ, ички қалтироқ, сифати паст товарлар, жумладан истеъмол қилиш муддатлари ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар олиб кирилишига тўсиқ қўйишдир, – дея таъкидлади Юртбошимиз. – Бу масалада, бутун дунёда бўлганидек божхона текширувини, давлат хазинасига тегишли солиқ ва божлар тўланишини таъминлашдир.

Биз, баъзи бир қолоқ мамлакатларга ўхшаб эртага аҳолимизнинг аксарияти четдан олиб келинадиган, сифати паст моллар билан олиб сотарлик қилиб, шу ҳисобидан кун кўрадиган ва унга тобе бўлиб қоладиган вазиятнинг вужудга келишига йўл қўя олмаймиз. Бундай қарашларни қўллаш эртанги униб-ўсиб келаётган авлодимизга нисбатан жиноят бўлур эди».

Дарҳақиқат, эртанги кун умидида бугун катта ишлар қилинмоқда. Мамлакат ички бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришнинг амалий чоралари кўриляпти. Кўпчилик яхши эслайди: Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил нинг 6 майида қабул қилган 154-сонли қарори жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон республикаси ҳудудида товарлар олиб келинишини тартибга солишда муҳим ҳаётий ҳужжат бўлди. Бутун мамлакатимизда мазкур қарор асосида эндиликда катта ишлар қилинмоқда. Жумладан бу иш бизнинг Олмалиқ шаҳримизда ҳам кенг кўламда амалга ошириляпти. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси, шаҳар прокуратураси, прокуратура ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлими ҳамда ички ишлар бўлими билан кенг ҳамкорликнинг йўлга қўйилганлиги ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Мазкур тадбирларга мувофиқ ўтказилган текширишлар натижасига кўра ҳозирги кунгача 127 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, ноқонуний равишда олиб келинган 20 миллион сўмликдан зиёд товарлар қонуний равишда мусодара этилди.

Аслида қиғир ишнинг қийиғи бир кун бўлмаса, бир кун фош бўлади. Божхона постларини ғайритабиий йўллар билан четлаб, ноқонуний равишда мамлакатимизга кириб келган товарларни сотиб манфаат кўрмоқчи бўлганларнинг ҳам охир-оқибат ҳоли вой бўлади. Афсуски айрим фуқаролар бундан тегишли хулоса чиқариб олишмаяпти. Олмалиқлик фуқаро Н. К. ҳам шундай бўлди. Жами 2,9 миллион сўмлик маҳсулотни сотишга енг шимариб ишга киришдию, оқибати нима билан тугашини ўйламади. Аслида тиҗорат қонунийликни хуш кўради. Аммо у бундан кўз юмиб, тўғри ишлашни олдига мақсад қилиб қўймади. Оқибати ҳам шунга яраша ташвишли бўлди. Иш судга чиқарилди. Чет эл маҳсулотларини керакли ҳужжатларсиз сотиб тадбиркорлик қилмоқчи бўлган фуқаро Л. В. ҳам қиғир ишнинг ташвишини бугун ҳис этиб турибди. Унинг умумий қиймати 2 миллион сўмлик маҳсулотлари ҳам давлат фойдасига мусодара этилиб, сохта тадбиркорнинг фаолиятига чек қўйилди.

Бундай ҳолатлар ҳар кимни жиддий ўйлаб бирор ишга киришишига ўргатса ажаб эмас. Чунки қонун ҳамма учун баробар. Уни четлаб ҳеч ким барака топмайди. Қилмиши фош бўлиб юзи қора бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Юртбошимиз томонидан қўйилган вазифалар бугун ҳаммамизга катта масъулият юкламоқда. Уни оғишмай амалга ошириш биз учун юксак шарафдир.

Сайфиддин АСРАЕВ,
Олмалиқ шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари.

Шарҳловчи нигоҳи

ИСЛОҲОТ ЙЎЛИ – ОЙДИН ЙЎЛ

Юртбошимиз маърузасида ўтган йил якунлари таҳлил қилинар экан, тўғриси илгаб оладиган ва эслаб қоладиган айрим маълумотлар эътиборни тортмаслиги мумкин эмас. Жумладан, бир йилда қарийб икки мингга яқин давлат корхоналари ва объектлари хусусийлаштирилибди. Демак, иқтисодда ислоҳот изчил давом эттириляпти.

Мулк шаклини ўзгартирган давлат корхоналари орасида «Навоийазот»га ўхшаган саноатимиз паҳлавонлари ҳамда Сирдарё ГРЭСи сингари энергетикамиз байроқдорлари борлигининг ўзи катта гап. Чунки булар Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этадиган корхоналар сирасига киради.

Мен мустақиллик арафасида радиомухбир сифатида «Навоиазот»да бўлганимни эсладим. Ўшанда куни билан корхона цехларини айланиб, ўзбек тилида интервью берадиган битта ҳам мутахассис тополмай хуноб бўлганман. Хатто зарур маълумот олишнинг ҳам иложи бўлмаган. Бир неча раҳбар ходимлар ҳузурига кирганман. Бироқ улар: «Биз Москванинг назоратидаги корхонамиз, Тошкентдан келган мухбирга ҳеч қандай маълумот бераолмаймиз», деб сурбетлик қилишган.

Мустақиллик туфайли бу корхона Ўзбекистоннинг ўз мулкига айланган бўлса, бугун мулк шаклини ўзгартириб, ислоҳот йўлини танлаб, очиқ ва эркин корхоналар сафига қўшилганлиги қувонарли ҳол, албатта. Ҳозир ўзбек тилида интервью олмоқчи бўлган теле ёки радио мухбир бўлса – марҳамат! Мен 1997 йилдаёқ «Навоийазот»га телемухбир сифатида борганимда ўзбек тилида интервью берадиган мутахассислар кўпайиб қолганлигини кўриб қувонганман.

Кейинги йилларда матбуотда Сирдарё ГРЭСида амалга оширилаётган таъмирлаш ҳамда қайта жиҳозлаш ишлари ҳақида кўп ёзилди. Айниқса, бу ишга хориж инвестициялари жалб этилганлиги айни муддао бўлди. Корхонанинг истиқбол йўли ойдинлашди. Бир пайтлар Сирдарё ГРЭСига пойдевор ўрнатилиб, биринчи энергоблок қурилишидан бошлаб то ўнта энергоблок ишга тушгунга қадар бу бунёдкорлик жараёнини матбуотда мунтазам ёритган журналист сифатида муҳим бир нарсани айтиб ўтмоқчиман: яъни мустамлака пайтимизда бу нурхона ўзимизнинг Шўртанимиз бўлатуриб, Россиядан эшалон-эшалон вагонларда ташиб келтириладиган мазут ҳисобига ишларди. Оқибатда тўрт тийинлик бир киловатт электр энергиясининг таннархи еттисаккиз тийинга етарди. Ўртадаги зарар «боқиманда» республиканинг ҳисобига ёзиларди. Турнақатор эшалонларнинг эса кети узилмади. Нурхона ишлаган сари республиканинг «боқиманда»лиги кучайиб борар эди. Ҳозир эса нурхона ўзимиздаги манбалардан куч олиб ишлайди. Сирдарё ГРЭСи бугун Ўзбекистон энергетикасининг фахри. Нурхона ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, ўтган йили мулк шаклини ўзгартирганлиги, шубҳасиз, ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир.

Яна бир ижобий ҳолат эътиборни тортмаслиги мумкин эмас. Атиги бир йилда қарийб 38 мингга яқин микрофирма, кичик ва ўрта корхона иш бошлабди. Бозорларимиздаги тўкинчилик ва мўл-кўлчилик шундан бўлса керак. Уларнинг яна ҳам кўпайгани яхши. Чунки озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қанчалик кўпайса, харидор учун шунчалик қулай имконият яратилади – танлаб, саралаб ва арзон баҳода сотиб олади. Биргина мисол. Бўрдоқибоқарлар кўпайган сари гўштни танлаб ва нархини бироз туширib олиш имконияти яратиляпти. Энди бошқа маҳсулотларни кўпайтириш ва сотишда ҳам шу йўлдан боришни иқтисодий ислоҳотнинг ўзи талаб қилаяпти. Зўро, ислоҳот йўли – ойдин йўлдир.

Иброҳим НОРМАТОВ.

ИШОНЧЛИ ТЎСИҚ

Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифалар Оҳангарон шаҳар прокуратураси ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда.

– Унда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришнинг асосий омиллари аниқ-тиниқ кўрсатиб берилди, – дейди Оҳангарон шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Ўринбой Миролимов. – Айниқса, ички бозоримизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, мамлакатимизга четдан олиб келинаётган усти ялтироқ, ички қалтироқ, сифати паст товарлар, истеъмол қилиш муддатлари ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, дори-дармонларнинг олиб кирилишига тўсиқ қўйиш энг муҳим вазифага айланди. Юрт истиқболини кўзлаб қилинаётган бу муҳим ишларга прокуратурамиз ходимлари ҳар доимгидек алоҳида эътибор қаратишмоқда. прокуратурамиз ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими, шаҳар Давлат солиқ инспекцияси, Ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда бундай товарларнинг йўлига ишончли тўсиқ қўйиб, ноқонуний савдосига барҳам бераяпмиз. Савдо шахобчаларида, бозорларда, умумий овқатланиш муассасаларида текширишлар ўтказаяпмиз. Ўз навбатида фуқаролар ўртасида ҳам кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳа, ҳамкорликда ҳикмат кўп, деб бежиз айтилмаган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 154-сонли қарорига мувофиқ ўтказилган бундай текширишлар натижасида Оҳангарон шаҳрида 70 дан зиёд қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 8 миллион 429 минг сўмликдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари қонунбузарлардан олиб қўйилди. Айни кунларда ҳам ҳамкорликдаги бу муҳим ишлар изчил давом эттирилмоқда.

СУРАТДА: Оҳангарон шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Ўринбой Миролимов (ўнгда) шаҳар прокурори ўринбосари Эркин Усмонов ва шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Шуҳрат Муҳаммаджонов билан савдо шахобчасидаги озиқ-овқат маҳсулотларини текширишдан ўтказишмоқда.

Ислоҳот ва самара

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

Ўшанда Шуҳрат Раҳимов 27 ёшда эди. Бирон фойдали ишга қўл уриш керак деган фикр унга тинчлик бермай қўйди. «Бу шундай иш бўлсинки, ҳаммага наф келтирсин» деди яхши ниятларни юрагига жо айлаб. Шуҳратнинг мақсадини англаган яқинлари «Мана ёнингда биз бормиз» деганча унга қўл узатишди. Шу тарзда «Росси» Ўзбекистон – Болгария қўшма корхонаси юзага келди. «Еттининг бири ҳизр» деганларидек янги жамоада бор-йўғи етти киши иш бошлади.

Улар уч хил маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Шу тарзда «Росси» ёрлиғи туширилган илк маҳсулотлар харидорлар эътиборини тортди. Бугунги кунда эса қўшма корхонада турли хил печенье, вафли, шоколаддан иборат бўлган 60 хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. 150 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаяпти.

– Олинган фойда эвазига имкониятларимизни кенгайтириб бордик, – дейди биз билан суҳбатда қўшма корхона бош директори Шуҳрат Раҳимов. – Чет элнинг замонавий технологиясини сотиб олиб унумли фойдаланди. Кичкинагина иш жойимиз шу тарзда катта корхонага айланди. Бугун маҳсулотларимизни ўзимиздан ташқари қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, ҳатто Афғонистонда ҳам билишади.

Шуҳрат Раҳимовнинг бу фикрлари «Одам ўз меҳнатининг роҳатини кўрганда қанчалар қувонишини бир тасаввур қилинг-а» деган гапларга худди ишорадек туюлди. Аслида бу қувонч бундан олти йил аввалги яхши ниятларнинг юзага чиқаётганлиги туфайли ҳам эди. Ўшанда Шуҳратга кўпни кўрган падари бузруквори Суннат ака Раҳимов эл қатори яхши дуолар айлаб, хайрли ишларига ривож тилаганди. Қарангки, бугун шу ниятлар Шуҳратга йўлдош бўлиб, эл-юртнинг олдида унинг юзини ёруғ айламоқда. «Росси» маҳсулотларига талаб ортмоқда. Ўз навбатида мамлакатимиз миқёсида ташкил этилаётган қатор кўргазмаларда ҳам муваффақият қозонаяпти.

Қўшма корхонада иш жараёнлари узлуксиз ташкил этилган. Технолог Марҳамат Назарова, бригадирлар Гулнора Ибрагимова, Зиёда Бўтаева, ишчилар Даврон Тешабоев, Зайниддин Иноғомов каби ўз касбининг фидойилари дил меҳри, қалб қўрини ишга бағишлашмоқда. Корхона ютуқларини бойитишяпти. Ўтган йилнинг ўзида ишчан жамоа 2,5 минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. «Мики Маус», «1001 кеча», «Буратино», «Ширин», «Феруза», «Эркатой», «Олтин фазан» сингари ўндан зиёд янги маҳсулотлар савдо пештахталаридан жой олди. Чет элдан сотиб олинган янги иккита линия бир йўла 15 турдаги печеньени тайёрлашга йўл очди.

– Бизда унумли меҳнат қилиш учун ҳамма шароит муҳайё этилган, – дейди цех бошлиғи Абдуғани Султонов. – Шу боисдан ҳам ишларимиз кўнгилдагидек бўлмоқда. Иш ҳақларимизни вақтида олиб турибмиз. Бундан ташқари иссиқ овқат, кечки сменадагиларни ишга олиб келиб, олиб кетиш учун транспорт хизмати йўлга қўйилган...

Ўз меҳнатидан моддий манфаатдорлиги яхши йўлга қўйилган жойда ютуқлар ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Қўшма корхона жамоаси бугун мамлакатимиз ички бозорини ўз маҳсулотлари билан тўлдириш йўлида астойдил ишламоқда. Бу хайрли мақсад эса бугунги ҳаётий талаблар билан уйғунлашиб кетган. Зеро, бугун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлиқнинг ўз маҳсулотларида ифода этилаётгани жамоага доимо қувонч бағишлаяпти.

Рустам ДОСТОН,
«Адолат» мухбири.

Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини таъминлашда қишлоққа саноатнинг кириб келиши муҳим рол ўйнайди. Истиқлол шарофати туфайли Яккабоғда ҳам хориж технологияси асосида жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти туғилди.

Ана шундай корхоналардан бири «Зиёнур» корхонаси бўлади. Ўзбекистон Миллий банки рахбариятининг ёрдами билан Осиё тараққиёт ва тикланиш банкининг кредит линияси ҳисобидан кредит олинди. Кредит эвазига Германиядаги «Лехоцки» фирмасининг макарон, «Холсберг» фирмасининг печенье маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технологиялари олиб келиб ўрнатилди. Шундай қилиб 1999 йил «Зиёнур» ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Зийрак яккабоғлик ёшлар бу асбоб-ускуналарни тезда ўрганиб олди. Дастлабки маҳсулотлар қадоқланмасдан харидларга жўнатила бошлади. Кейинчалик эса Болгариядан қадоқлаш линияси келтирилади.

«ЗИЁНУР»НИНГ ЗИЁСИ

Бугунги кунда корхона юқори унум билан ишламоқда. Бир кеча-кунда 6 тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган корхона жамоаси халқ эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан ҳолда 7 турдаги макарон ва 5 турдаги печенье маҳсулотларини тайёрламоқда. Маҳсулотлар нафақат вилоят ва туманда балки Тошкент шаҳридаги савдо дўконларида ҳам сотилмоқда. Бугунги кунда корхонада 40 нафар ёшлар иш билан таъминланган.

Янгиқўрғон туманида ўз касбини чин дилдан севган миришкорлар кўп. Улар ҳалол меҳнат билан замин саховатини ошириб, эл-юрт фаровонлдигига ҳисса қўшган ҳолда ўзлари ҳам катта даромад олишга муваффақ бўлишмоқда.

Шулардан бири тумандаги Доли Сатторов номли жамоа хўжалигининг Навкент қишлоғида истиқомат қилувчи Тиллахон ая Зокиржон ака Ҳамидовлардир. Улар бу йил оила аъзолари билан ўз боғларидаги иссиқхонадан ҳозиргача 800 килограммдан ортиқ лимон ҳосили териб олдилар.

СУРАТДА: Тиллахон ая билан Зокиржон ака ўзлари етиштирган лимонларни кўздан кечиришмоқда.

Абдумутал МАТКАРИМОВ олган сурат.

БОЖХОНА ИШИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Тошкентда Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузасида божхона органлари олдига қўйилган долзарб вазифалар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда таъкидланишича, мамлакатимизда тайёр хом ашё етарли шароит ва малакали ишчи кучи бор. Демак четдан келаётган сифатсиз молларга қараб қолганимиз йўқ. Тайёр маҳсулотларимизни жаҳон бозорида намойиш қиладиган вақт аллақачон етиб келган. Лекин сўнгги пайтларда мамлакатимиз бозорларида товар алмашинувининг асосий қисми хориж молларига боғлиқ бўлиб қолганлигини сезиш қийин эмас. Бундай товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари божхона масканларини четлаб ўтиб бож ва солиқ тўламасдан, таркиби ва сифати текширилмаган ҳолда олиб кирилган. Фақат 2002 йилнинг кейинги олти ойи давомида контрабанда йўли билан олиб кирилган 20 миллиард сўмдан ортиқ товарларнинг ушлаб қолинганлиги ҳам ушбу йўналишда ахвол нечоғлик жиддийлигини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимизга кўп миқдордаги товарларнинг ноқонуний равишда олиб кириш-га қарши кураш, сирти ялтироқ – ички қалтироқ, сифати паст товарлар, жумладан яроқлилик муддатлари ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар олиб кирилишига тўсиқ қўйиш, бутун дунёда бўлгани каби божхона текширувини, давлат хазинасига тегишли солиқ ва божлар тўланишини таъминлаш, кадрларни танлаш ва уларнинг малакасини ошириш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар эканлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

«ТУРКИСТОН-ПРЕСС»

Барҳаёт – умумбашарий қадриятлар

УМРБОҚИЙ НАВРЎЗ

Биз Наврўзи олам ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг ҳаётимизда тутган ўрни, анъаналари борасида фикр-мулоҳаза юритишни лозим деб топдик.

Наврўзда майсалар ердан бош кўтаради, қўй-қўзилар, эчки-улоқлар, бутун борлиқ яйрайди. Сув ва тупроқ илий бошлайди. Тоғлардан эсаётган шаббода тану жонимизга ҳузур бахш этади. Наврўзда боғ-роғлар, гузар ва мавзелар, ҳиёбон ва маҳаллалар, майдон ва кўчалар, қир-адирлар, водий ва тоғлар ям-яшил либосга бурканади.

Наврўзда боғбонлар, омилкор деҳқонлар, чорвадор ва соҳибкорлар илк бор Навбаҳорда ўз юмушларини бошлаб юборадилар. Борлиқ, ўн саккиз минг олам – барча тириклик қиш уйқусидан уйғониб, ҳаракатга келади. Наврўз – оламни яшнатиш, яшартириш, кўнгилларни қулф ургизиб, гўзаллаштирадиган ажойиб ва дилбар фаслдир. Энди илик узулай-узулай деганда, яна уни қайта мустаҳкамлайди. Насларни-наслларга, авлодларни эса авлодларга боғлайди.

Наврўз аслида оламни яшнатади. Баҳорнинг, кўкламнинг гулу райҳонлари, кашнич-нозвойлари, турфа хил гуллари дов-дарахт яшнайдиган ва кўчатлар экиладиган пайтга тўғри келади.

Наврўз навоси, кўнгил давоси дейдилар. Зеро, Наврўздан Наврўзгача ўтган онларнинг ҳар кунини яна орзиқиб, унга интиқлик билан етиб келишга иштиёқ сезади киши, уни қўмсайди, унга талпинади, унга аввалдан катта тайёргарлик ва ҳозирликлар кўрилади. Зотан, мана бугун Наврўзи олам, дўстларимга гуллар тутаман дейилганида, инсон умрининг ғанимат эканлигини ва бу умрни саҳоват ва мурувват ишларига бахшида этиб яшашлик, ҳақиқатга жуда ҳам мос келади.

Сабодан бўлибди гул ёқаси чок,
Гул юзидан бўлмиш булбул таробнок.
Гул тагида ўтир, чунки жуда тез,
Гул ерга тўкилур, биз бўламиз ҳок.

Умумбашарий қадриятларимиздан ҳисобланмиш Наврўзи оламнинг пайдо бўлиши ҳақида фикр-мулоҳазалар турлича. Қадимий ёзма ва археологик манбаларнинг гувоҳлик беришича, Наврўзнинг ёшини гоҳида уч-тўрт минг, гоҳида эса ундан ҳам ортиқ дейилади. Нима бўлганда ҳам энг қадимий ва ҳақиқатга мос, табиий ҳолатларга мақбул йилнома – Наврўз ҳисобидир. Бунга Наврўзнинг ўз форсий номи жуда ҳам мос келади. Нав – янги, рўз – кун, яъни, «Янги кун» – «Наврўз»дир. Шоир айтганидек:

Фасли навбаҳор ўлди, кетибон зимистонлар,
Дўстлар ғаниматдир, сайр этинг гулистонлар.

Умрбоқий Наврўзимизнинг яна бир ажиб ва муҳим жиҳатини тилга олиб ўтмоғимиз зарур. Она-Ватанимиз – шу рўйи заминимизда азал-азалдан ўзбеклар билан бошқа миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб яшаб келганлар. Кўп миллатлар тотувлиги – байналмилалчиликка мустаҳкамликни қўлга киритганимиздан кейингина катта аҳамият берилди. Бу борада муҳтарам Президентимиз Фармонлари билан мамлакатимизда республика «Байналмилал» маданий-маърифий маркази ташкил этилди.

– Ҳозир, маданий-маърифий байналмилал марказ қошида 30 дан ортиқ бошқа турли миллатлар шўъбалари фаолият кўрсатиб келади, – дейди ушбу марказнинг раҳбари, тарих фанлари номзоди Карим Расулов. – Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатларнинг вакиллари, шу юрт равнақи, истиқболи йўлида меҳнат қилиб, яшайдилар. «Миллий ғоя – бизнинг ғоя» шиори ҳам ушбу байналмилалчиларга мос эканлигини тўғри англаганмиз. Биз ҳар йили Наврўз байрамига жуда катта ҳозирлик кўрамиз. Уни Наврўз кунлари «Халқлар дўстлиги» майдонида намойиш этамиз. Наврўз – боқий байрам. Унга бошқа миллат ва элатлар вакиллари ҳам бош қўшадилар. Чунки, Наврўз – тотувлик, тинчлик, аҳиллик байрами, шунинг учун ҳам ҳаммамиз учун қадрли ва севимлидир.

Улуғ бобомиз Абу Райҳон Берунийнинг «Китоб ат-Тавҳум» (Тушунтириш). «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарларида, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит Турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» (Саодатга бошловчи билим), Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома», Абул Қосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Носир Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» каби асарларида, шунингдек, Лутфий, Жомий, Алишер Навоий, Фурқат ва Муқимий каби ўнлаб, юзлаб шоирлар, олиму фузалоларнинг ижодида Наврўзи олам ҳақида ажойиб ва қизиқарли, қимматли манбалар мавжуддир.

Зеро, Муқимийнинг:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик, келинглар, жўралар, ўртоқлар.
Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила,
Ўйнашиб, гоҳи табиатни қилайлик чоғлар. –

каби жўшқин ва ўйноқи сатрлари Наврўзи олам кунларига ҳамоҳангдир.

Қадимда қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг баробар – тенглашуви йил боши ҳисобланган. Бу эски қуёш йили ҳисобида мартнинг кун билан тун тенглашган вақти ва кундузнинг узая бошлаши, табиатда даврий жонланиш, баҳорнинг илк кунлари, ҳозирги 22 мартга тўғри келади. Наврўздан бошлаб, ҳамма нарса амалга киради, дейишган.

Наврўзнинг оммавий тарзда байрам қилинишини Абул Қосим Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома» асарида афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди. Тарихий манбаларга қараганда Наврўз байрамини нишонлаш тадбирлари Аҳмонийлар давридан бошлаб анъанага айланиб қолган.

Наврўз байрами арафасида ҳовли-жойларни, кўча-кўйларни тозалаш, пири комилларни, устозларни, ота-онани, яқин дўстларни, айниқса, хаста ва беморлар ҳолидан хабар олиш ва мархумлар қабрини зиёрат қилиш кабилар одатий тус олган. Энг диққатга лойиқ жиҳати шундаки, Наврўздан – Наврўзгача бўлган даврда юз берган ҳафагарчиликлар, гина-кудратлар Наврўз кунларида кечирилган. Ҳатто, урушлар тўхтатилган. Эрон ва Мовароуннаҳр халқлари орасида Наврўз байрами дастурхонига «С» ҳарфи билан бошланадиган етти хил овқат қўйиш одат бўлган. Бу ҳолат «Ҳафсан» деб аталган.

Наврўз байрами бошланмасдан 15 кун олдин буғдойни махсус ундиришга қўйишган ва унинг майсасидан энг тансиқ ва севимли шифобахш сумалак тайёрлашган. Ёшу қари Наврўз байрами кечаси ухламасдан эртак ва ҳикоялар айтишиб, бахшилар дўмбирасини чертиб, достонлар, термалар куйлашган, аския айтишганлар. Ўйин-кулги, кўнгил очар, ҳузурбахш ҳангомалар, оммавий спорт ўйинлари, чавандозлик, пойга, кўпкари, кураш каби ўйинлар, сайиллар, кўрик ва турли хил танловлар ўтказилган. Баҳор ҳақидаги дилрабо қўшиқлар ва лапарлар ҳам Наврўз байрамида айтилган. Наврўз сайилгоҳларида келин-куёвлар чиқиши бўлган, ҳали уйланмаган қиз-йигитлар эса ўзларига қайлиқ танлашган.

Чун келди баҳор ойи юз очди бу дам Наврўз,
Кўк майсалар устига еткурди қадам Наврўз.
Завқ ила тўлиб диллар, уйғонди бутун гуллар,
Хуш исли ҳавосила хўб келди, шинам Наврўз.

Наврўз ҳар йили ўз сепини ёйиб, тароватини тўкиб, гўзал гулларни очириб келади. Наврўз яшариш, кўнгилларни меҳр-оқибатга тўлдириш, дийдаларни қондирадиган бир улуғ айёмдир. Наврўз байрами кунларида ялпиз ва кўкат таомлари, сомса ва чучвара кабилар пиширилади. Олам аро Наврўз, янги йил, янги кун байрами бўлиб, у аввало қадр-қиммат, меҳнат ва яратувчилик байрами, айни шу долзарб кунларда деҳқончилик ва чорва ишлари бошлаб юборилади.

Ота-боболаримиз Наврўзни ҳурматлаб, шу кунлари дунёга келган чақалоқлар ўғил бўлса Наврўз (бек, бой, жон), қиз бўлса – Наврўз (ой, биби, хон, гул) деб атайдиган бўлишган. Баъзан эса Наврўзни Ислом дини билан боғловчилар ҳам бор. Аслида Наврўзимизнинг инсонпарвар ва табиатпарвар ажойиб анъаналари исломлаштирилганлигини кўрамиз. Зеро, Наврўзимизнинг ёши ислом динидан бир неча минг йил кексадир.

Мозийдан келаётган бир садо бор: бу – умрбоқий Наврўзимизнинг йиллардан асрларга боғланиб, яшаб келаётганидир. Бунга Олов ва Нуҳ тўфонлари, Зўрдўшт ва Искандар, Алпомиш ва Соҳибқирон Амир Темур бобомиз кабилар гувоҳлик бериб турибди. Тузумлар, жамиятлар, ўзгараверади. Наврўз эса суронли йилларни, асрларни ортда қолдириб, зикр этганларимиздек, яшаб қолаверади. Гоҳида эса яхшилик, бунёдкорликни, гоҳида – ёвузлик, вайронагарчиликларни ўзидан мерос қилиб қолдирган. Аммо, Наврўзга ҳеч қачон уларнинг кучи, зуғуми таъсир кўрсата олмаган. Манфур Шўро тузуми намоёндалари Наврўзимизга диний тус бериб, уни йўқотмоқчи бўлдилар, лекин ўзлари бор-йўғи 73 йилда кунфаякун бўлдилар. Умрбоқий Наврўзимиз эса озодликнинг янги ҳарир тўнини елкасига ташлаб, ҳуррият ўлкасининг шаҳар ва қишлоқларини, яйлов ва тоғларини кезиб, ҳар бир хонадонга, ҳар йили эзгу ва ойдин ниятларни олиб киришга одатланиб қолди. Ҳа, Наврўзимизнинг яна халқимизга қайтишида Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги фармонлари диққатга лойиқдир. Ҳар йили 21 март – Наврўзни умумхалқ байрами сифатида ўтказамиз. Бу куни одамларимиз дам олишади. Бошқа муҳим саналар одатда бир кун байрам қилинадиган бўлса, Наврўзимиз мустақиллик йилларидан бошлаб 40 кун мобайнида нишонланадиган бўлди.

Ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси Наврўз байрамига ҳозирлик кўришни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари борасида махсус қарор чиқариб келади. Наврўзи оламга атаб танловлар ўтказиб келинмоқда. Наврўзни эъзозлаб ва азизлаб, ҳурматлаб, янги-янги саройларга, гузарларга, ҳиёбон ва маҳаллаларга, ҳатто бозорларга «Наврўз» номи берилаяпти. Наврўз яшаяпти. Наврўз умрбоқийдир.

2003 йилимиз муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилингани янада яхши бўлди. Зеро, Обод сўзи, Наврўз сўзига жуда ҳамоҳангдир. Демак, умумбашарий қадриятларимиздан Наврўз – маҳаллалар ободлиги тимсолида ҳаётимиздан ўз ўрнини топади, албатта.

Табиат, деҳқончилик билан боғлиқ бўлган қадимий мана бу қўшиқнинг ҳаётийлиги, ҳозирги кунимиз учун мос келади.

Ҳой деҳқон бобо, далангга берсин барака,
Ҳой чўпон бобо, қўрангга берсин барака,
Ҳой боғбон бобо, ниҳолингга берсин барака
Бойчечак чиқибди, фасли Наврўз келибди...

Табиатнинг ажиб ва беғубор кунларида умргузаронлик қилиб келаётган барча юртдошларимизни гўзаллик ва олам-олам қувонч, шодлик, файз ва қут-барака, шукуҳ ва шукр, шараф ва ғурур туйғуларига буркантираётган янги куч, янги қувват ато этаётган умрбоқий Наврўзи олам билан қизғин табриклаб, яратгандан юртимизга тинчлик ва хотиржамлик, барқарор ҳаёт тилаб қоламиз. Илоҳо, ҳар бир кунимиз Наврўз бўлсин деймиз.

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент.

Арнасой туман марказий касалхонасига қарашли 16-қишлоқ врачлик пункти Бобо Файзиев номли деҳқон фермерлар уюшмаси ҳудудида истиқомат қилаётган 6000 дан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. 17 хизматчи ишлаётган бу жамоада физиотерапевтик муолажалар айниқса кенг йўлга қўйилган.

СУРАТДА: шифохона бошлиғи Мурод Худоёров ҳамширалар Жамила Муродова ва Ноила Салимова билан янги хизматларни йўлга қўйиш хусусида маслаҳатлашишмоқда.

МУЗЕЙДАГИ САБОҚЛАР

Ҳозирги даврда таълим соҳасига киритилган ҳаётий ислоҳотлардан бири олий ўқув юртларида «Маънавият асослари» деган янги предметнинг ўқитилаётганлигидир.

Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУнинг тарих факультетида бу фанга доир назарий ва амалий сабоқлар, семинарлар, турли қизиқарли мавзулардаги баҳсу мунозаралар ўйғун ҳолда олиб борилмоқда. Ана шундай хилма-хил кўринишдаги машғулотларнинг беистисно барчасида Президент Ислом Каримов асарларида, хусусан, унинг ҳозиргача нашр этилган ўн томлик китобларида мужассамлашган миллий ғояларни биз талабалар томонидан атрофлича чуқур ўзлаштирилишига алоҳида эътибор бериляпти.

Худди шу нуқтаи назардан Темурийлар тарихи давлат музейида, Алишер Навоий номидаги Республика адабиёт музейида, Қатағон қурбонларини хотирлаш музейида ўтказилган амалиёт сабоқлари биз талабаларда гўзал таассуротлар ва хилма-хил мулоҳазалар уйғотди.

Анжуманнинг илмий раҳбари профессор Маҳмуджон Нурматов таъриф лаганидек, бу тадбирларнинг мақсади давлатимиз раҳбари асарларини чуқур ва пухта ўрганиш талабаларда мустақил ва эркин фикрлашни шакллантириш, тингловчиларда илмий ижод иқтидорига қанот бағишлаш сингари вазифаларни амалга оширишдан иборатдир.

Озода ИСЛОМОВА,
ЎзМУ тарих факультети талабаси.

«01» огоҳлантиради

ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Тошкент шаҳар Миробод тумани Ички ишлар бўлими Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари ҳар доимгидек уй-рўзғорни ёнғин фалокатидан эҳтиёт қилиш чораларини кўришмоқда. Бунинг учун улар фуқароларга қарата шундай мурожаатни ўртага ташладилар:

– Эҳтиёт бўлинг, ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш осонроқдир.

– Зеро, бу бор гап. Мана, баҳор бошланаяпти, – дейди Миробод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги Фахриддин Ходиев биз билан суҳбатда. – Юртимиз Наврўз байрами тараддудида. Бундай пайтда ҳамма жойда ёнғиндан эҳтиёт бўлишнинг қатъий чоралари пухта кўрилгани маъқул. Биз бу борада ўз тадбиларимизни ишлаб чиқдик. Унда жумладан шундай дейилади: «Ҳаммага маълумки, ёнғин фалокати давлатга ва халққа жуда катта моддий зарар келтиради. Иморатларга, уй-жойга, одамларнинг сарфлаган меҳнатларига талофат етказади. Энг хавфлиси одамлар, айниқса, болалар ўлимига сабабчи бўлиши мумкин».

Қандай қилиб бунинг олдини олиш керак? Бу борада фуқароларга ўз маслаҳатларимизни бераяпмиз, эслатмаларимизни тавсия қилаяпмиз. Кўрпа-тўшакда чекмаслик, ўчирилмаган сигарета қолдиқларини, гугурт чўпларини ахлат идишларига ёки дуч келган жойга ташламаслик, уйдан чиқиб кетаётиб қаровсиз қолган электр иситгич асбоблари ва электр асбобларини яроқли ҳолда ишлатиш, ёш болаларни қаровсиз қолдирмаслик, уларни олов ва гугурт билан ўйнашига йўл қўймаслик сингари қатор ҳолатлар ёнғинни сақлашда муҳим омил бўла олади.

Ўз мухбиримиз.

Таълим ва ислоҳот

МАВҚЕ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти проректори, доцент Азамат Хуррамов билан суҳбат

СУҲБАТДОШ ҲАҚИДА:

Азамат Файзуллаевич Хуррамов 1964 йил 7 ноябрда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Чувиллоқ қишлоғида туғилган. 1989 йилда Тошкент Давлат Университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети)ни, 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1986 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали «Тарих ва иқтисод» кафедраси кабинети мудирлигидан бошлаган. 1987 йилдан 1994 йилгача Қарши аграр иқтисодиёт институти ўқитувчиси, 1994 йилдан буён Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида дастлаб тарбиявий ва ижтимоий масалалар бўйича, 1995 йилдан эса иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича проректор вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Азамат Хуррамов учта монография ва 100 дан ортиқ илмий мақола муаллифи. Рус ва инглиз тилларида бемалол сўзлаша олади.

– Азамат Файзуллаевич, ҳозирда кадрлар тайёрлаш миллий дастурнинг иккинчи босқичи кечаётир. Институтда ушбу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб бersангиз.

– Шиддаткор замон таълим билан ишлаб чиқариш узвий, ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилишини тақозо этмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида эса шу узвийликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Зеро, бу жуда муҳим вазифадир. Шу вазифанинг тўлақонли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида бизда васийлик ва ҳомийлик кенгашлари ташкил этилиб, улар мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Васийлик кенгаши таълим тизимида кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга оширишда гўёки ташқи бошқарувчи сифатида фаолият кўрсатади. Яна ҳам соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, таълимда ислоҳотларни амалга ошириш борасида ректор билан ҳамкорликда иш юритади, бошқарувни амалга оширади. Шунинг учун ҳам бу кенгаш институтнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларни очиш сингари долзарб масалалар билан шуғулланаётир.

Ҳомийлик кенгаши бюджетдан ташқари маблағлар топишга эътибор қаратган. Мазкур кенгаш тузилгунга қадар ҳомийлик йўқ эди, ҳисоб. Кенгаш саъй-ҳаракатлари натижасида дастлабки 1998 йилда ҳомийлардан 10,5 миллион сўм маблағ тушган бўлса, бу кўрсаткич 2002 йилда 145 миллион сўмни ташкил этди. «Муборакнот–газ» ва «Шўртангазнефть» унитар шўъба корхоналари, Талимаржон ГЭСи, «Ўзбурғунефть» акционерлик компанияси каби корхоналардан кейинги беш йилда ҳомийлик йўли билан 160 миллион сўм пул тушди.

– Бюджетдан ташқари маблағ топишда ички имкониятлардан қандай фойдаланилмоқда?

– Бу борада вазирлигимизнинг 300-сонли махсус буйруғи бор. Шунга кўра пулли хизмат кўрсатиш тармоқлари кенгайтирилмоқда. Ҳозирда компьютер ва тиллар марказлари, шунингдек, шофёрлик курслари орқали пулли хизмат кўрсатилаяпти. Мини босмахонамиз ҳам шу мақсад учун маълум даражада хизмат қилмоқда. Институтимиз профессор-ўқитувчилари хўжалик шартномаси бўйича ишлаб, ғазнамизни бойитяптилар. Ҳаммасини ҳисоблаганда қоқоридаги курс ва соҳалардан бир йилда институт ҳисобига 70 миллион сўмдан ортиқ маблағ тушди.

Энди бюджетдан ташқари топилган маблағдан қандай фойдаланилаяпти? – деган савол ҳам тугилади. Бу маблағ профессор-ўқитувчилар, ишчи-хизматчилар ҳамда талабаларнинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилмоқда. Махсус низом асосида ҳар қайси профессор ўқитувчилар ва талабаларимизнинг фаоллик рейтинги аниқланиб, натижалар салмоғига кўра уларнинг асосий ойлик маоши ва стипендия пулига 25 фоиздан 100 фоизгача қўшимча пул тўланмоқда. Бундан ташқари 2002 йилда 1405 нафар талабага 4 миллион сўм маблағ моддий ёрдам ва мукофот пули тариқасида берилди.

– Институтда тест маркази бор эди. Энди ликда масофавий ўқитиш маркази ҳам ташкил этилган, деб эшитдик...

– Тўғри, бизда тест маркази бор. Масофавий ўқитиш маркази ҳам бор, ҳар иккала марказ энг замонавий техника воситалари билан таъминланган, тегишли тарзда жиҳозланган. Тест маркази Республика Давлат тест маркази билан боғланган. Марказда абитуриентлар (ўқитувчилар) билимини тўғридан-тўғри синаб кўриш имкониятига эгамиз. Масофавий ўқитиш марказимиз эса, Тошкент иқтисодиёт ва техника институтлари, шунингдек, Гулистон ва Қарши давлат университетлари билан алоқа боғлаган. Бир неча бор амалий машғулотлар ўтказишга ҳам улгурдик. Ҳозирги вақтда чет эллар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилаяпмиз. Германиянинг Масхафен ва Гумбург–Харбург техника Людвиг амалий фанлар, Голландиянинг Твенте, Италиянинг Твенте, Жанубий Кореянинг Деайего, АҚШнинг Шимолий Докота университетлари ҳамда Акселс, «Фермер-фермерга» каби ташкилотлари шулар жумласидандир.

– Халқаро алоқаларни кенгайтириш мақсадида делегация таркибида чет эллар сиз ҳам борган экансиз.

– Институтимиз ректори, Олий Мажлис депутати Муродулла Нормуродович бошчилигида бир неча давлатда бўлдик. Германия, Голландия ва Жанубий Кореянинг юқорида номлари қайд этилган университетларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашдик. Германия ва Жанубий Корея университетлари билан ўқитувчилар ва талабалар алмашиш бўйича шартнома туздик, ҳозирда амалий ишлар кетаётир. Ўн нафар талаба Кореянинг Деайго ва Кума университетларига боришга тайёрланаяпти, уларга корейс тили ўргатилмоқда.

– Энди илмий йўналишда олиб борилаётган ишлар ва кадрлар малакасини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталсангиз.

– Маълумки, таълим жараёни билан илм-фан боғлиқлигини ривожлантириш кадрлар тизимини амалга оширишнинг асосий йўналишларидан биридир. 1997 йилда давлат гранти асосида битта мавзу бўйича 250 минг сўмлик ва хўжалик шартномаси асосида 800 минг сўмлик хўжалик ва илмий-тадқиқот ишлари бажарилган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич тегишли равишда 3 миллион 100 минг сўм ва 25 миллион 400 минг сўмни ташкил этди. Педагог ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида институтда аспирантура ишлаб турибди. Кейинги беш йилда 20 та номзодлик ва 2 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди, 2 киши докторантурани тугатди.

Беш йилда битта халқаро, 7 та республика ва 8 та институт миқёсидаги илмий-амалий конференциялар ўтказдик. Олимларимиз томонидан 8 та монография, 2 та дарслик ва 600 дан ортиқ илмий мақола ёзилди, 40 дан ортиқ кашфиётга патент олинди. Олимларимиз томонидан ишлаб чиқилган 20 га яқин илмий ечимлар, янги технологиялар халқ хўжалигининг турли соҳаларига тадбиқ этилди...

– Миллий ғоя, миллий онг, шунингдек, талабалар бўш пайтларининг мазмунли ташкил этилиши борасидаги тадбирлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

– Талабаларимизнинг дунёқарашини шакллантириш борасидаги ишларимиз институтимиз ўн йиллиги арафасида ярқ этиб кўзга ташланиб қолди. Чунки шу муносабат билан «Маънавият ва маърифат маркази» мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Мажмуа таркибига кутубхона, турли йўнан, илмий-маданий тадбирларга мўлжалланган заллар ҳамда институтимиз тарихи музейи киради.Президентимизнинг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи ўрганилмоқда. Шу юзасидан талабалар ўртасида кўрик-танловлар ҳам уюштирилиб турилибди. Умуман олганда, талабалар дунёқарашини шакллантириш, уларни Ватанга садоқатли, меҳр-муҳаббатли, тарихизнинг қадрига етадиган, қадриятларни улуғловчи инсонлар қилиб камол топтириш ғоят муҳим вазифадир.

Шу нуқтаи назардан олганда, талабаларнинг ҳаёт ачиқчучугини кўрган кекса авлод вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳамда Республика Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари, маҳаллалар фаоллари билан учрашувлар ўтказиб турилгани бу борадаги ишларимиз ривожига туртки бераётганини таъкидламоқчиман. Талабаларга махсус соатларда халқаро ҳаёт, мавзуида, шунингдек янги қонун ва ҳукуматимиз томонидан белгиланаётган тадбирлар ҳақида лекциялар ўқилиши одат тусига кирган. Тарғибот-ташвиқот ишларида институтимиз кўп тиражли «Муҳандис-иқтисодчи» газетасининг ҳам алоҳида ўрни борлигини таъкидламоқчиман.

Институтимиз ўзининг спорт мажмуига эга, вилоятда энг яхши баҳо олган талабалар уйимиз бор. Қишки спорт залларимиз мавжуд. Футбол, волейбол, теннис, кураш, баскетбол, сузиш билан йилнинг қайси пайти бўлмасин шуғулланиш имконияти бор. Спортчи-талабаларимиз «Университада-2002» мусобақасида муваффақиятли қатнашиб, битта кумуш медални қўлга киритишди. Талабамиз Исоқ Аҳмедов 2002 йилда Ереван шаҳрида миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони деган бюксак шарафга сазовор бўлди. Талабаларимиз бўш вақти турли кечалар, «Тафаккур ранги», «Заковат» сингари интеллектуал ўйинлари билан аввали ва табиийки манфаатли ўтмоқда.

Бўш пайтларини мароқли ташкил этишда «Иқтидорли талабалар маркази»нинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Негаки, бу марказда ўқувчилар дарсдан бўш пайтларида компьютерни, рус, корейс, француз тилини ўрганиш бўйича чуқурлаштирилган машғулотларда қатнашадилар. Профессорлардан Исматулла Эрназаров, Юлдуз Эргашева, доцентлардан Зебо Аминова ҳамда Зоир Узоков каби устоз-мураббийлар иқтидорларни қўлпайтиришга катта улуш қўшаётир.

Айни пайтда институтимиз республикадаги 56 олий ўқув юрти биринчи ўнлигидан жой олиб турибди. Бу – яхши натижа, лекин бизни қониқтармайди. Институт мавқеини янада кўтариш ниятидамиз. Албатта, ҳеч қандай муаммо йўқ, десам ҳақиқатдан кўз юмган бўламан. Ректорат уларни бирин-кетин ечиш чораларини кўраётир.

Суҳбатдошлар:
Ҳамид ПИРИМКУЛОВ,
журналист.
Ҳазратулло РЎЗИЕВ,
«Адолат»мухбири.

Ўзбекистон — чет элликлар нигоҳида

ГЎЗАЛ, МАФТУНКОР ДИЁР

Миср Араб Республикаси билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Мазкур ишга ўзига хос тарзда ҳисса қўшаётганлар орасида МАРнинг Тошкентдаги элчихонаси маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси доктор Элдерс Халаф Шокр ҳам бор. Биз доктор жаноблари билан учрашиб, бу борада қилинаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик.

– Аввало ўз ҳақингизда икки оғиз сўзлаб берсангиз.

– Мисрдаги Алот университетининг физика факультетини битирганимдан сўнг «Каттиқ жисмлар физикаси» мутахассислиги бўйича магистрлик даражасини олдим. Ленинграддаги аспирантурани тамомлаб, «Ярим ўтказгичлар сатҳи» электроникаси физикаси мавзуида номзодлик ишимни ҳимоя қилдим. Қатор Араб давлатларидаги олий ўқув юртларида профессорлик фаолиятимни олиб бордим. Дипломатик фаолиятимни 2001 йилнинг 21 ноябридан бошлаганман. Ушандан бери мамлакатимизнинг Тошкентдаги элчихонасида маданият ишлари бўйича маслаҳатчи сифатида ишлаб келаяпман.

– Юртимизнинг қай жиҳатлари сизга маъқул бўлди?

– Ўзбекистон гўзал, мафтункор диёр. Бу ердаги бунёдкорлик ишлари ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди. Ўзгаришлар ҳам шунга монанд қувончли. Менга бу ерликларнинг ўзга бир ҳислати жуда ёқди. Ўзбекистонда Шарқ давлатларига хос бўлган маҳалла-қўйчилик муносабатлари жуда яхши йўлга қўйилган экан. Қолаверса, бу ердаги ижтимоий ҳамкорлик, меҳрибонлик уйлари, болалар уйлари, ногиронлар жамиятининг ҳайрли ишлари ҳам таҳсинга сазовордир.

– Ўз навбатида сиз Миср маданият марказининг раиси ҳам экансиз?!

– Ҳа, шундай. Айни пайтда бу икки вазифани қўшиб олиб бораяпман. Миср маданият маркази 1994 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қиляпти.

– Шу ўринда қилинган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

– Мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ хўжалиги тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорлик янада ривожлантирилди. Ўзбекистон университетлари мисрлик профессор ўқитувчилар билан таъминланди. Миср ёшлар вазирлиги билан Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тузилган ҳамкорлик режасига муваффақ Миср делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи уюштирилди. Айни пайтда Ўзбекистон томонидан Мисрга ташриф режалаштирилмоқда. Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги қошидаги республика таълим марказининг ўрта мактаблари учун араб тилидаги дарсликларни яратиш гуруҳини ўзимизга малака оширишга юбордик. Ҳайрия жамғармалари билан биргаликда Ўзбекистондаги байрамлар муносабати билан кам таъминланган ва етим болаларга моддий ёрдам кўрсатилиб, болалар уйлари тарбияланувчиларининг республика миқёсида ўтказилган рассомчилик танловида фаол иштирок этдик. Яқинда рақс тўгарагини очдик. Келажакда араб қўшиқлари хор гуруҳини очишни мўлжаллаганмиз. Шу билан биргаликда Тошкентдаги араб тилига ихтисослашган мактаб ўқитувчилари учун амалий машғулотлар ташкил этишни мўлжаллаяпмиз. Қилинадиган ишлар кўп. Энг муҳими, уларнинг барчаси халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Сухбатдош: Дилором НИШОНОВА, «Адолат» мухбири.

Миллий санъатимизнинг анъаналари ишончли қўлларда.
Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

ҚАҲ-ҚАҲА

Телевизор устахонасида телефон жиринглайди. Уста дастакни кўтаради.

– Бир келиб кетинг, овоз эшитилмаяпти.

– Нима бўлди?

– Қулоғимга мих тиққан эдим, телевизорнинг овози ўчиб қолди.

* * *

Ҳайдовчи ЙПХ ходимига кибр билан деди:

– Вилоят ЙПХ бошлиғи менинг қайнотам бўлади.

– Ёлғон!

– Нега ёлғон деб ўйлайсиз?

– Унақада бизлар божа бўлишимиз керак-ку!

* * *

Куёв қайнотасига шикоят қилди:

– Қизингизга тарбия бермагансиз!

– Нима? Бу гапингиз билан нима демоқчисиз? Ношукур, таги паст!

– Кечирасиз, сизни ҳам тушунса бўлади, ўзингизда йўқ нарсани қандай бера олардингиз...

* * *

«Савой» ресторанида бир чашка кофе учун бор-будимни шилиб олишди. Лекин ҳақиқат бор экан.

– Бу билан нимани назарда тутяпсан?

– Кўчага чиққач чўнтагимдан учта кумуш қошиқча топиб олдим.

* * *

Бир киши об-ҳаво бюроси ходимидан сўради:

– Айтинг-чи, сизларнинг берган маълумотларингиз ҳар доим тўғри чиқадими?

– Биласизми, жаноб, баъзан ҳафтанинг куни тўғри келмай қолади.

* * *

Болакай мактабга дарсини тайёрламай келипти. Ўқитувчи бунинг сабабини сўрапти:

– Уйда ойим билан дадам жанжаллашганлари-жанжаллашган.

– Ойингни яхши биламан, – дебди ўқитувчи, – сенинг отанг ким?

– Улар ҳам худди шу масалада жанжаллашишади-да!

* * *

Ҳарбий қисмда.

– Зокировнинг отаси қазо қилипти. Унга ётиги билан айтинг бирор кори-хол бўлмасин.

– Хўп бўлади, ўртоқ полковник.

Сўнг капитан аскарларни саф қилиб, буйруқ берипти:

– Кимнинг отаси ҳаёт бўлса, бир қадам олға! Ҳай, Зокиров, қаёққа суқуляпсан? Жойингда тур!..

* * *

– Буважон, нега қадимги юнонлар доимо ғалабани аёл тимсолида тасвирлашган?

– Уйланганингда биласан, болам...

* * *

Хорғин эр уйга келиб, хотинига дебди:

– Ким кўнгироқ қилса ҳам, мени уйда йўқ дегин.

Телефон жиринглайди. Хотин дастакни олади.

– Эрим уйда!

Эри ўрнидан сапчиб туриб, телефон олдига келади.

– Мени «йўқ» дегин девдим-ку!

– Ҳовлиқмай қўя қол, жонгинам, сенга қўнгироқ қилганлари йўқ.

* * *

Эшик жиринглайди. Уй эгаси эшикни очмай сўрайди:

– Ким бу?

– Марҳамат, бир-икки сўм худо йўлига...

– Яхши, яхши, эшикнинг тагидан узата қолинг.

Назм гулшани

ТАЪРИФИ ДОСТОН ЎЗИНГ

Алижон Азимов 1945 йилда Ғаллаорол туманининг Обруз қишлоғида туғилган. Сирдарё педагогика институтини битирган. У ижро этган йигирмадан зиёд қўшиқлар республика радио ва телевидениесининг олтин фондидан ўрин олган. «Юртим – олтин бешигим», «Юракдаги олов», «Шажарам» номли шеърий тўпламлари нашр этилган. Халқона оҳангларда ёзаётган, ўзбекона меҳру муҳаббат билан юртини, юртдошларини ардоқлаётган шоирнинг ижод маҳсулидан сизни ҳам бахраманд этамиз.

ШУКРОНА

Ҳурлик, озодлик сўзи жой олди китобингдан,
Бир Буюк давлат ҳосил бўлди-ку шитобингдан,
Дўстлик ҳам очди жамол, нур эмиб офтобингдан –
Энди зўр давлат ўзинг, шаҳрда бир савлат ўзинг,
Одил ҳақиқат ўзинг, тарихий хилқат ўзинг.

Не йиллар мутеликда юрдик дилларни ғашлаб,
Ишладик тиним билмай, бировлар кўнглин хушлаб,
Ўтди йиллар карвони, беҳуда сувлиқ тишлаб,
Ўшал карвоним ўзинг, ўтли армоним ўзинг,
Қийналган жоним ўзинг, қайнаган қоним ўзинг.

Хатарлардан соғ-омон ўтказганга шукрона,
Ушалган орзуларга етказганга шукрона,
Дилдан ғам-андуҳларни кетказганга шукрона,
Омон-омоним ўзинг, бахтли замоним ўзинг,
Борлиқ жаҳоним ўзинг, қутлуғ маконим ўзинг.

Энди меҳр булоғи тошиб оқди сойлардан,
Ҳар куни турфа меҳмон келар турли жойлардан,
Бағри кенг мезбонларни сайлаб Ҳотамтойлардан,
Соҳиби эҳсон ўзинг, хушсуҳан мезбон ўзинг,
Жонларга дармон ўзинг, дўстга қадрдон ўзинг.

Сафларда борлигимдан шукур айтаман минг бор,
Тўқсон икки бовли эл, ҳар доим сенга ёр,
Бирликда қадам ташлаб, турарлар сергак, ҳушёр,
Мавжли бир уммон ўзинг, ҳам тиниқ осмон ўзинг,
Элларга посбон ўзинг, таърифи достон ўзинг.

Шеъримга излаб ғоя ҳеч қаерга бормасман,
Она юрт мадҳин қуйлаб ҳоримасман, толмасман.
Жонга туташ боғларинг беҳишлга алмашмасман,
Боғи «Дилкушо» ўзинг, сайри томошо ўзинг,
Бетакрор маъво ўзинг, асл муддао ўзинг.

ОНАЖОНИМ

Тушимда кўрганим ўнгимда аён,
Онам бизни ташлаб кетдингиз қаён?
Уйқудан уйғониб турганим замон,
Бошим узра йўқсиз азиз мехрибон.

Соғиниб дил фақат сизни қўмсайди,
Тушимда кўрганим ўнгим бўлсайди,
Қайта келсангизу бағрим тўлсайди,
Афсус қайтмагайсиз жоним онажон.

Кетган қайтиб келмас дунё экан бу,
Минг илтижо ўтмас дунё экан бу,
Олган жонни сотмас дунё экан бу,
Яшаш ўзи билдим экан имтиҳон.

Ҳаёт тилсимлари барчага маълум,
Она меҳри еру-самога маълум.
Ўтгач, қадри жумла-жаҳонга маълум.
Оналар бор экан барқарор иймон.

КЕКСАЛАР

Юртнинг тинчлигин кўзлаган,
Ҳар сўздан маъни излаган.
Юз ёшга қараб юзланган,
Табаррук мумтоз кексалар.

Ҳар бир сўзи олтинга тенг,
Пок нияти ҳам бағри кенг.
Ҳашарларда шимариб енг,
Меҳнатда жонбоз кексалар.

Юзларидан ёғади нур,
Фарзандлари жонга ҳузур,
Набиралар катта ғурур,
Меҳри беқиёс кексалар.

Мард билан майдон талашар,
Яхшилар билан сирлашар,
Маҳалла-қўйга ярашар,
Қилурмиз ихлос кексалар.

Қалбларимиз кўри сизга,
Уйларимиз тўри сизга,
Майли чинор умри сизга,
Сизга чин эъзоз кексалар.

Спорт оламида

ЛИНАРЕС СУПЕРТУРНИРИДА

Шу кунларда Испаниянинг Линарес шаҳрида дунёнинг бугунги шоҳмот «гигант»лари ўртасида анъанавий супертурнир давом этмоқда. Унда жаҳоннинг таниқли етти нафар гроссмейстерлари ўзаро дона суришяпти.

Ўтказилган тўрт турдан сўнг, турнир жадвали қуйидагича кўриниш олган: Владимир Крамник (Россия) – 2,5 очко, Вишванатан Ананд (Ҳиндистон), Темур Ражабов (Озарбайжон), Петер Леко (Венгрия), —2, Франсиско Вальехо (Испания), Руслан Пономарёв (Украина) ва Гарри Каспаров (Россия)лар ҳисобида биттадан очко бор.

Охирги тўртинчи турда қуйидаги натижалар қайд этилди: Пономарёв – Леко – 0,5:0,5. Вальехо – Ражабов – 0,5:0,5. Ананд – Крамник – 0,5:0,5.

МАЙК ТАЙСОННИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Ўтган йили профессионал бокс рингида америкалик Майк Тайсон англиялик Леннокс Льюисга ютқазганидан хабарингиз бор. Мазкур мағлубиятдан сўнг, дунё оммавий ахборот воситаларида Льюис «Темир Майк»нинг рингдаги фаолиятига нуқта қўйди, деган хабарлар тарқатилганди.

Куни кеча АҚШнинг Мемфис шаҳрида Тайсон навбатдаги жангини муваффақиятли ўтказиб, ўзининг нимага қодирлигини кўрсатиб берди. Унинг рақиби Клиффорд Этьенни нокаутга учратишига 49 сония кифоя қилди. Тайсон профессионал рингда илгари ҳам беш маротаба худди шундай тезкор ғалабага эришганди.

– Мен яна рингга қайтганимдан бахтиёрман, – деди АР агентлигига берган интервьюсида. – Этьенни ўзимга муносиб рақиб деб ҳисоблайман. Жангдан олдин ундан ҳатто чўчигандим. Шу боис, баъзи интервьюларимда жанг ўтказишга тайёр эмаслигимни ҳам айтиб ўтгандим. Бироқ учрашувдан тушадиган катта миқдордаги гонорар мени рингга чорлади. Энг муҳими, бу жангда ғалаба қозондим. Энди чемпионлик камарини қайтариб олиш учун Леннокс Льюис билан такрорий учрашув ўтказишга ўзимни руҳан тайёр, деб ҳисоблайман.

130 «РОНАЛЬДО» КАРНАВАЛИ

Маълумки, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ҳар йили бутун оламга машҳур анъанавий карнавал ўтказилади. Бу йилги тадбир олдингиларидан бироз фарқ қилиши кутилмоқда. ИТАР – ТАССнинг хабар беришича, «Реал» (Мадрид) ва Бразилия терма жамоалари ҳужумчиси, жаҳон чемпиони Рональдонинг 130 нафар қиёфадоши жорий йилда ўтадиган карнавалда қатнашади.

Улар Жанубий Корея ва Японияда ўтган 2002 йилги жаҳон чемпионатида «Сўйлоқ тиш» яшил майдонда қайси рақам остида, қандай ранг-даги спорт либосини кийган бўлса, худди шундай кийимда тантанада иштирок этишади. 130 «Рональдо» карнавал чоғида сочларини машҳур футболчининг жаҳон чемпионати давридагидек олдириш истагидалар. Уларнинг сочларини эса бир киши, яъни футбол бўйича Бразилия терма жамоаси сартароши Пауло Сезар Карвайо тартибга келтиради.

64 ДАҚИҚАЛИК УЧРАШУВ

Одатда, профессионал футбол жамоалари учрашуви 90 дақиқа давом этади. Аммо Италиянинг «А» серияси-дагги 21-турнинг «Торино» ва «Милан» жамоалари ўртасидаги ўйин белгиланган вақтда ниҳоясига етмади. Аниқроғи, 0:3 ҳисобида имкониятни бой бераётган «Торино» ишқибозларининг тартибсизликлари туфайли учрашув 64-дақиқада тўхатилди. Жунбушга келган фанатларни полиция кўздан ёш оқизувчи газлар ёрдамида «тинчлантирди». Бу вақтда ҳар иккала жамоа футболчиларидан айримлари жароҳат олишга ҳам улгурганди. Оқибатда ўйинни ниҳоясига етказишнинг имкони бўлмади.

Яқинда италия футбол федерацияси бу ҳунук воқеани узил-кесил ҳал этилади. «Милан» футболчилари Филиппо Инзаги ва Кларенс Зеедорф (иккита тўп киритган)лар ҳиссаси боис, шунақасига ҳам йирик ҳисобда ғалаба қилиши табиий эди. Аммо бу тартибсизлик чемпионат аутсайдерларидан бири бўлган «Торино»ни қийин аҳволга солиб қўйиши шубҳасиз. ИФФнинг энг енгил жазоси – «Торино» қолган учрашувларни ўз майдонида ўтказишдан бенасиб қоладиган кўринади.

Аҳмад ХОЛБОБО тайёрлади.



МАҲОРАТ ВА ШИЖОАТ КЎРИГИ

Пойтахтимиздаги МҲСК спорт мажлисида каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида навбатдаги Ўзбекистон чемпионати ниҳоясига етди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикасидан 1500 нафарга яқин каратэчи татамига чиқдилар. Мусобақа якунида 11 та ёш гуруҳлари бўйича 67 та комплект медаллар шодаси ўз эгаларини топди.

– Илгариги чемпионатларимизда совринли ўринлар асосан пойтахтлик спортчиларга насиб этарди, – дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон миллий каратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасов. – Аммо бу йилги баҳсларда Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Жиззах, Хоразм вилоятлари вакилларининг ҳам ғолиблик учун даъвогарлик қилишаётганлиги жойларда каратэни ривожлантириш борасида ижобий ишлар амалга оширилаётганлигининг самараси, деб ўйлайман.

Аҳмад АНВАР,
СУРАТДА: Мусобақадан лавҳа.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Жиноят ва жазо

МАСТНИНГ ПИРИ ШАЙТОНДИР

Қуръони Каримнинг Моида сурасида, «...арақ ичиш шайтоний амалларидан биридир. У гуноҳи кабира саналади. Ундан сақланинглар», дейилади

Ҳақ гап. Спиртли ичимлик таркибида кишининг мия фаолиятига таъсир этувчи моддалар борлиги илмий жиҳатдан ҳам асосланган. Аммо негадир одамзот нафс балоси, кайф сафоси йўлида юқоридаги сингари эътирофларни унутади.

Насим Шамиров ҳам хушёр бўлганида эди, балки жиноятга такрор қўл урмаган бўлармиди?..

Ўтган йилнинг 24 майи. Соат кечки 22.00 лар чамаси. Одамларнинг оёғи тиниб, чойхоначи ҳам ёнбошлаб дам оладиган пайт.

Ғиждувон тумани Абдулхолиқ Ғиждувоний номли ширкат хўжалиги Наматгарон қишлоқ ҳудудидаги қариялар чойхонасига ташриф буюрган Насимнинг аслида нияти бузуқ эмас эди. Чойхоначи Жума Тешаев билан эски қадрдон. Қолаверса, у бегона эмас, шу қишлоқнинг боласи, ахир. Шундай бўлса керак, Насим чойхоначи билан қиттак-қиттак отиб, димоғини чоғ қилмоқчи бўлди.

– Амак, бери келинг қани, – деди чойхоначини сўрига имлаб. – Б..и..р отамлашиб, кўнгиллар чигалини ёзайлик.

– Қандоқ бўларкин, Насимжон. Вақт ҳам...

– Қандоқ эмас, амакжон, қантдек бўлади-да, — отахоннинг гапини бўлди, улфат йигит...

Шиша бўшаб улгурмай тупа-тузук ўтирган улфатларнинг сухбати бузилди. Мастнинг пири шайтондир, деганларича бор экан. Бир зумда қўллар муштга айланиб, жанжал бошланиб кетди. Насим Шамиров спиртли ичимлик таъсирида тамоман ўзини унутиб қўйиб, жиноят содир этди. Чунки у муқаддам 1991 йил 10 январь куни қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этиб, жазони ўтаб чиққан. Шунинг учун жиноятга мойил кўнглини қабиҳ ишдан тиёлмади.

Жума Тешаев боши, кўкрак қафасига келиб тушаётган зарбаларга чидай олмай беҳуш йиқилди. Буни кўрган жиноятчи ўлжасини тинчитган йиртқич бўридек иржайиб турарди.

Бош миясининг ёпиқ шикастланган Жума Тешаев тез тиббий ёрдам кўрсатиш республика илмий Марказининг Ғиждувон филиалига етказилганида аҳволи жуда оғир эди. Малакали тиббий муолажалар унинг ҳаётини сақлаб қолди. Бироқ жиноятчининг шаштидан тушиши қийин кечди.

Воқеа тафсилотига аниқлиқ киритиш мақсадида 25 май куни Жума Тешаевнинг укаси Муродилла Элмуродов ҳамда унинг ўғли Шукрулло Элмуродовлар Насимникига боришади.

– Керак бўлса, сенларни ҳам... – ўлдираман демоқчи бўлиб, жаҳлга минган жиноятчи болахонадор қилиб сўкинди. – Ҳа...

Арақ туфайли лайиннинг панжасидан қутулолмаган Насим важоҳатини бошқаролмай, гўё қутурган ҳайвондек ҳамла қиларди. Қўлига тушиб қолган узунлиги 30 сантиметрлик ўткир тиғли пичоқ билан Муродилла Элмуродовга ташланди. Қутилмаган ҳамладан отасини Шукрулло қутқариб қолмаганида, Насим Шамиров ҳеч иккиланмай яна бир инсоннинг умрига зомин бўлиши мумкин эди.

Қўлингиз беихтиёр ёқангизга боради. «Тавба. Мастлик – ихтиёрий девоналик-да. Астағфуруллоҳ!» дейсиз, шубҳасиз.

Инсон умрининг ҳар бир дақиқаси ҳисобли. Вояга етиб, улғайиб борганинг сайин дунё ташвишлари, ҳаёт муаммоларига ечим топиш осонроқ кеча боради. Чунки ақлий салоҳият юксалади. 40 ёш эса эркак киши учун ҳаётнинг масъулиятли поғонаси. Ҳаёт бўсағасида туриб, ортга қарайдиган, ўтган умринг, бажарган ишларинг, фарзандларинг камоли ҳақида ўйлайдиган вақт. Аммо Насим Шамиров шу ёшда суднинг яна қора курсисида. Эл олдида боши эгик. Муқаддам панжара орти ҳаёт таъмини тотган бу йигитнинг қайта жиноят кўчасида тентирашида бир ўзини айбдор биламизми? Маҳалла-кўй, қўни-қўшни, яқинлар Насим ҳаётини изга солиб олиши учун қандай ёрдам кўрсатдилар? Ёхуд ҳамма «Қилғиликни қилибдими, жабрини тортсин-да!» деганча томошабин бўлиб туравердимикан?..

Олим МИРЗАЕВ,
Бухоро вилояти Файзулла Хўжаев тумани прокуратураси терговчиси.
Моҳира ШАКАРОВА, «Адолат» мухбири.

Лўқмони ҳакимдан:
– Нега ҳадеб ўғлингга насиҳат қилаверасан? — деб сўрашди.
У эса жавобига шундай деди:

– Кексаларнинг насиҳатлари ёшлар учун боғбон ниҳолни тарбият қилгани каби-дир. Боғбон ниҳолдан ўсиб чиққан номуносиб шохларни бутаб туради, ён-атрофида эса фойдасиз гиёҳларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймайди. Унинг яхши ўсиши учун

ҲИКОЯТ

бутун кучини сарфлайди. Шундай қилинса, ниҳол бақувват бўлиб ўсади. Катта бўлганда ширин-шакар мева қилади. Бордию, ортиқча шохлари кесиб турилмаса ниҳол тез ўсиб етилсада, яхши ҳосил бермайди, боғбонга эса ундан фойда кам бўлади. Демак, билингки, бола ҳам худди ниҳолнинг ўзидир. Агар у тарбият қилинса, ёмон феъллларга мубтало бўлади ва фалокат ҳашаклари ўртасида сўлиб битади!

Боғбондан парвариш кўрмаса ниҳол,
Улғайиб ўсолмас, тополмас камол!

Биласизми?

«ДОЛЛАР»НИНГ МАЪНОСИ НИМА?

Яқин-яқинларгача ҳам АҚШ доллари қанақа шаклда эканлигини билмасдик. Бугунга келиб, доллар нима эканлигини болаларгача яхши биладиган бўлдик. «Кўки»дан десангиз бас, дарҳол тушунишади. Хўш, доллар сўзининг луғавий маъноси нима? Бу пул бирлиги қачондан бери муомалада?

Расмий маълумотларга қараганда, доллар 1786 йилда кумуш тангалар шаклида муомалага киритилган. 1861 йилда эса тангалар қоғоз пуллар билан алмаштирилган.

1918 йилда банкнотлар портрет ва суратлар билан бойитилган. 1996 йилда эса долларга янги муҳофаза белгилари – сув белгиси ва ипи қўйилди.

АҚШ доллари бошқа давлатлар валюталаридан тамомила фарқ қилади. Биринчидан олд томонда қора ва орқа тарафда яшил бўёқлар кўп қўлланилган. Иккинчидан, барча қийматдаги банкнотлар бир хил 156 х 66 мм ҳажмга эга. Банкнотларда «Биз Худога ишонамиз» деган битик муҳрланган. Доллар марказига АҚШ ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли инсонларнинг сурати туширилган. Масалан, бир долларда АҚШнинг биринчи президенти Ж. Вашингтон сиймоси бор. Беш долларда АҚШнинг ўн олтинчи президенти А. Линкольн, ўн долларда А. Гамильтон, йигирма долларда АҚШнинг еттинчи президенти Э. Жексон, эллик долларда АҚШнинг ўн саккизинчи президенти Ю. С. Грант, юз долларда Б. Франклиннинг тасвири акс эттирилган.

Биздаги жаргонда долларни «кўки», «карам» дейдилар. Руслар «капуста» дейишаркан, Американинг ўзида «бакс» сўзи қўлланилади.

Доллар сўзининг луғавий маъноси инглизча «доллар» ва «немисча «талер» сўзларидан олинган. Маъноси эса «ям-яшил водийлар», «қир-адирлар»дир.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи) Т. О. ДАМИНОВ, А. F. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. Р. ҲАЙДАРОВ, Р. С. ҚОСИМОВ, К. РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Б. ТОШЕВ, Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў. Ф. ЖЎРАЕВ, М. Б. РАҲМОНОВ, Н. НУРМАТОВ, Д. F. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТЎРАҚУЛОВ (ўз мухбир).

Мулоқот учун телефонлар:
Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-53-14.
Бухгалтерия — 136-55-64.
Факс: (8.371) 133-41-89.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 100, Адади 2752 Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚЎШОҚОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти – 20.00.

● Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. ● Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. ● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. ● Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. ● Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. ● Кўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.

Босишга топширилди 19.30.